



БАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz

№32

2025-yil

13-avgust, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqq boshlagan



СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ

92 МИНГ БИТИРУВЧИ ВА МЕХНАТ БОЗОРИ

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ҲАЁТИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ



Марказий банк маълумотларига кўра, 2024 йил IV чорагида меҳнат бозорига 41 мингга бўш иш ўрни эълон қилинган. Иқтисодий фаол аҳоли сони 15,1 миллион кишига етиб, бандлик даражаси 14,2 миллионга ошган. Янги иш ўринларининг аксарияти хизмат кўрсатиш ва технологик соҳалар ҳисобига яратилган бўлса-да, қишлоқ хўжалиги ва саноатда бандлик пасаймоқда.

► (Давоми 2-бетда)

МУНОСАБАТ

АҲИЛЛИК ВА ЎЗАРО ИШОНЧ АСОСИДА

Ён қўшни – жон қўшни. Қўшнинг тинч – сен тинч...

Асрлар давомида тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу мазмундаги ўнлаб мақолларимизда кўпни кўрган донишманд халқимизнинг қўни-қўшничилиги ришталарини нечоғлиқ азиз билиши ўз аксини топган. Агар бу ришталарни давлатлар миқёсида олиб қарасак-чи? Қўни-қўшничилик муносабатлари замиридаги аҳиллик, бағрикенглик, ўзаро ишонч ва беғараз мурося бир-бирига чегарадош ўлкаларнинг ҳар томонлама ривож топишида, халқаро майдонда обрў-эътибор қозонишида, муҳими, минтақада тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнашини англаш мушкул эмас.

Ўтган ҳафтада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан ушбу мамлакатга амалий таширифи давлатларимиз ўртасидаги кенг қиррали ҳамкорлик кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик асосида мустаҳкамланиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

Шубҳасиз, бир дарёдан сув ичган, тили, дини, қадриятлари ўхшаш ўзбек ва туркман халқларининг дўстлиги, қон-қардошлиги бир неча минг йилларга бориб тақалади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Туркменистонга 2017 йил март ойда амалга оширган илк хорижий таширифи билан икки томонлама алоқаларда том маънода янги давр бошланди.

Бугунги кунда республикамызда яшаётган 200 мингдан зиёд туркман миллатига мансуб аҳоли ўз миллий маданиятини, тили, анъана ва урф-одатларини ривожлантириши учун барча шароит яратилган.

Яқинда яна бир қизиқ маълумотга дуч келдим. Расмий статистикага кўра, 2025 йилнинг январь-июнь ойларида 2 минг 622 нафар туркман ёшлари юртимизга ўқиш мақсадида келган. Бу далил икки қардош давлат ўртасида таълим-гуманитар йўналишларда ҳам ўзаро ишончли муносабатлар раванқ топаётганини кўрсатади.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш 600 млн долларни ташкил этгани, саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кооперация

чуқурлашиб бораётгани, ҳудудлараро алоқалар фаоллашгани икки давлат ўртасидаги конструктив мулоқот маҳсули, албатта.

Ҳабарингиз бор, мазкур ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Туркманбоши шаҳридаги "Аваз" миллий сайёҳлик зонасида ўтган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Президентимиз нутқида ҳозирги мураккаб даврнинг мавжуд шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда диққатга молик қатор ташаббусларни илгари сурди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Транзит кафолатлари тўғрисидаги глобал битимни ишлаб чиқиш, логистика интеграциясига кўмаклашиш жағфармасини таъсис этиш, донор мамлакатлар, халқаро ривожланиш институтлари ва глобал дастурлар ресурсини кенг жалб қилиш, денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатларнинг "Заифлик индекси"ни яратиш, бунда давлатларнинг чекланган имкониятларини ҳолис кўриб чиқиш, рақобатбардошлик ҳамда ишбилармонлик муҳитини адолатли баҳолаш таклифлари моҳияти ва аҳамиятига кўра ғоятда долзарб. "Бугун бизни бирлаштирган кун тартиби фундаментал масала – адолат масаласига дахлдордир. Бу – денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатларга жаҳон иқтисодиётида тенг шароитларда иштирок этиш имкониятини таъминлашдир", деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу конференция натижаси ўлароқ Аваз сиёсий декларацияси ва ҳаракатлар дастури қабул қилинди.

Конференция асосида Президентимизга Туркменистоннинг "Ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" орденининг тантанали топширилгани барчамизга ўзгача ифтихор бағишлагани рост. Бундай юксак эътироф бой тарихий тажриба, қардошлик ва ўзаро ҳурматга асосланган Ўзбекистон – Туркменистон стратегик шериклик муносабатларида янги босқич бошланганига ишора беради.

Саят ГИЧГЕЛДИЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси депутати.

ПАРЛАМЕНТ МУҲОКАМАСИ

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ:

ИЖТИМОЙ СОҲАЛАРГА ҚАНЧА МАБЛАҒ ЙЎНАЛТИРИЛГАН?

Давлат дастури – давлатнинг маълум вақт учун мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ҳисобланади. Бу муддат одатда бир йилни ташкил этади. Давлат дастури ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳам ифодалайди. Чунки жамиятнинг ҳар бир жабҳасида олиб бориладиган ислохотлар жамият ривожини, аҳоли фаровонлигини, иқтисодий барқарорликка хизмат қилади. Савол туғилади: у ҳар доим кўзланган мақсадга етиб борадими? Мутасаддилар унинг ижроси учун қанчалик жон куйдиришади?

► (Давоми 3-бетда)

ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ



Хоразм буюк тарихга эга, илм-у маърифат бешиги саналган муаззам ғўша. Асрлар оша кўҳна заминимизнинг муҳим савдо-иқтисодий ва маданий марказларидан бири саналган, жаҳонга донғи кетган олим-у фозиллар, саркардалар, ҳофиз-у шоирлар ватани бўлган бу воҳа солномасида мустақиллик йиллари алоҳида ўрин тутди. Бинобарин, ўтган даврда бу ерда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Улкан бунёдкорликлар, яратувчанлик ишлари амалга оширилди. Бундай кенг қамровли янгиланиш вилоятнинг энг чекка, олис ҳудудларини ҳам қамраб олди. Айниқса, сўнгги саккиз-тўққиз йил ичида барча соҳада ўсиш суръати сезиларли ошди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Хоразм шонли тарихимиз ва янги ислохотлар туташган чорраҳага айланди.

Жорий йил май ойининг илк кунларида Президентимиз Хоразм вилоятига таширифи чоғида эришилаётган салмоқли натижаларни эътироф этар экан, логистика занжиридан узоқда, табиий ресурслари чекланган бу диёрда биргина 2024 йилнинг ўзида 7 мингта янги тадбиркорлик субъекти иш бошлагани, 1 минг 700 та корхона фаолияти тиклангани, натижада 290 минг аҳоли бандлиги таъминланганига урғу берди.

► (Давоми 4-бетда)

МАҚСАД НЕЧОҒЛИҚ МАНТИҚЛИ?

Сенатда қабул қилиниши рад этилган қонун ҳақида халқона хулосалар

Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллаш учун юборилган бир қатор қонунлар атрофлиқа муҳокама қилинди. Уларнинг аксарияти маъқулланди, айни чоғда, қайтарилгани ҳам бор. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмига кирадиган хизматларни кўрсатиш, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий фаолиятини амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун Сенат томонидан маъқулланмади.

Нера?

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенати биринчи ялпи мажлисида сенаторлар олдида қўйган вазифалардан бири қонунларнинг ҳаётини бўлиши ва бевосита ишлашига эришиш масаласи эди. Шу билан бирга, уларнинг мавжуд қонунчиликка мувофиқ бўлиши, жамиятдаги тегишли масалаларни ҳал этиши, тартиб-таомилларни енгилаштириши, қулайлаштириши каби мезонларга жавоб бериши ҳам зарурлиги таъкидланганди.

► (Давоми 4-бетда)

ПАРЛАМЕНТ МУҲОКАМАСИ

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ: ИЖТИМОЙ СОҲАЛАРГА ҚАНЧА МАБЛАҒ ЙЎНАЛТИРИЛГАН?



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Парламент куйи палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2025 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи орқали бу саволларга жавоб топиш мумкин. Кун тартибидagi масала юзасидан Бош вазир ўринборсари — Иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Қўчқоров ахборот берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз барқарор иқтисодий ўсиш йўлида аниқ натижаларга эришяпти. Хусусан, 2025 йилнинг биринчи ярмида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 7,2 фоизга ошган. Бунда бозор хизматлари 8,2, саноат ишлаб чиқариш 6,6, қурилиш ишлари 10,7 ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 4 фоизга ошди.

Мажлисда қайд этилганидек, ҳисобот даврида жами 21 млрд долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 фоизга ўсган. Қиймати 2,5 млрд долларлик 30 та лойиҳани ишга тушириш орқали 3 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилган, 66 та туманга 50 млн доллардан кўп сармоа киритилган.

Давлат бюджетни даромадлари 144,2 трлн сўмга етган, харажатлар эса 173,3 трлн сўмни ташкил этмоқда. Шундан ижтимоий соҳаларга йўналтирилган маблағ 86,2 трлн сўм бўлиб, бу ўтган ойнинг шу даврига нисбатан 16,4 фоизга кўп.

Давлат дастурининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш борасида белгиланган ўстувор йўналишлари доирасида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, болаларни мактабга таълим билан қамров даражаси 77, мактабга тайёрлов тизимида қамров 96 фоизга етказилган.

Ҳисобот даврида “Ёшлар дафтери” орқали ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 121,8 млрд сўм маблағ ажратилган. 4 377 нафар ёшлар илм-фан, замонавий касбларга ўқитилган, 934 нафарининг бандлиги таъминланган. Ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, исзисизлики камайитириш мақсадида “Ёшлар бандлик дастурлари” тасдиқланган.

Қолаверса, 156290 нафар хотин-қиз тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитилган, 1771 нафарининг уй-жойини яхшилаш чоралари кўрилган, 99 нафари бошпанали бўлган.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида энг оғир аҳволдаги 1042 та маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, туман ва шаҳарларда “Драйвер” лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда комплекс ривожлантириш харажатларига 3,2 трлн сўм маблағ йўналтирилган.

Мажлисда депутатлар ижтимоий соҳага ўстуворлик берилгани, ёшлар бандлигини таъминлаш ва камбағалликини қисқартириш борасида алоҳида дастурларнинг қабул қилингани ҳамда рақамли индустрия ва IT-стартлаплар йўналишида эришилаётган натижаларни юқори баҳолашди. Шу билан бирга, давлат

дастурида муддати узайтирилган вазибаларнинг ижросини таъминлаш чораларини кўриш, бунда мутасадди вазирилик ва идораларнинг масъулиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди. Бюджет харажатлари ўстидан самарали назорат ўрнатиш, ўз вақтида ўзлаштириш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИ ДИЛБАР МАМАЖОНОВА ХУКУМАТ ВАКИЛЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ:

— Мулоқотлар давомида айниқса, ёшларни муносиб иш билан таъминлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга эканига гувоҳ бўляпмиз. Ҳисоботда

» ҲИСОБОТ ДАВРИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 86,2 ТРЛН СЎМИ ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПАРТИЯМИЗНИНГ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЖУДА МУҲИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ.

келтирилганидек, 2025 йилда Ёшлар бандлиги дастури доирасида 384,4 минг нафар йигит-қиз қўллаб-қувватлангани бу борадаги кўп муаммоларни ижобий ҳал этишга хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Лекин расмий маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда бир миллиондан ортиқ ёшлар ишсиз. Ҳисоботга солиштирадиган бўлсак, бунда иш билан таъминланган ёшларнинг улуши 16 фоизга тўғри келади. Қолган 84 фоиз йигит-қизларнинг тақдири нима бўляпти? Уларни иш билан таъминлаш масаласига қай даражада эътибор берилляпти?

Мамлакатимизда бугунги кунда замонавий касб-хунарга эга ёшларга эҳтиёж юқори. Умуман, бугун талаб юқори бўлган касб-хуналарни ёшларга ўргатиш, ҳудудлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, мутахассисларни тайёрлаш борасида вазирилик қандай чора-тадбирларни амалга оширяпти?

Шунингдек, ҳисоботда ёшларга деҳқончилик учун икки ярим минг гектар ер ажратилгани айтилди. Бироқ ушбу ерларда ҳосилдорлик даражаси, маҳсулотдан олинadиган йиллик даромад, бозорга чиқиш имкониятлари ҳақида маълумот берилмаган. Бу бўйича вазирилик қандай муносабат билдиради? Ёшлар ерлардан самарали фойдалана оляптими? Уларга берилаяётган ерларнинг унумдорлиги бугун қандай аҳволда?

Камбағалликини қисқартириш ва бандлик вазири ўринборсари СИРОЖИДДИН БОБОҚУЛОВ депутат саволига шундай жавоб берди:

— Ёшлар бандлигини таъминлаш мамлакатимизда энг ўстувор масалалардан биридир. Йил бошидан мавжуд 9452 та маҳалланинг ҳар бирида хатлов ўтказилди. 9 миллиондан ортиқ йигит-қизнинг баланси шакллантирилиб, индивидуал дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур асосида 384 минг ёшлар

ишсиз деб, муаммолар рўйхати шакллантирилди. Шу асосида ёшлар бандлиги дастури қабул қилинди ва ҳар бир вилоят кесимида тасдиқланди.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 161 минг нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди. Жумладан, 73 минг нафари ишга жойлаштирилди, 83 минг нафарига “Ёшлар бизнеси”, “Келажакка қадам”, “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” дастурлари доирасида 474 миллиард сўм кредит ажратилди ва уларнинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, 5 минг нафар йигит-қизга 2,5 минг гектардан ортиқ ер ажратилди. Унда 7 минг тоннадан ортиқ маҳсулотлар етиштирилди ва 35 миллиард сўмга яқин даромад олинди. Маълумот учун, 1 август ҳолатида ушбу дастур доирасида 208 минг нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Бу 54 фоизни ташкил этмоқда. Қолган 176 минг нафар ёшларни ишли қилиш бўйича аниқ вазибаларни белгилаб олганмиз. Ҳар бир ёш билан индивидуал шўғулланиб, уларни хорижий тилга ва касб-хунарга ўқитиб, тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес лойиҳаларини амалга ошириш чораларини кўрамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1 миллион нафар эмас, балки 782 минг нафар ишсиз ёшлар бор. Тўғри, меҳнат бозорига 821 минг нафар ёшларимиз кириб келяпти. Шунки ҳисобга олганда бу кўрсаткич 1 миллионга яқинлашяпти.

та маҳалла инфратузилмасини яхшилаш ва туман, шаҳарларни комплекс ривожлантириш харажатларига 2,4 трлн сўм маблағ йўналтирилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож 3 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган ва бемор ёшларга тиббий хизмат харажатлари тўлаб берилган. Қарамогида ногирон фарзанди бўлган 40 мингдан ортиқ хотин-қизга моддий ёрдам кўрсатилиб, 2 мингга яқин опа-сингилларимизнинг уй-жой шароитларини яхшилаш чоралари кўрилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси парламентдаги мухолифат фракция сифатида ҳукумат ҳисоботи бўйича бир қатор конструктив таклиф-тавсияларини билдиради.

Ҳисоботнинг умумий конструкцияси кўпроқ маълумот шаклида тайёрланган бўлиб, амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги бўйича тахлилий ҳисобот келтирилмаган. Дастур ижроси бўйича умумий кўрсаткичлар билан чекланилгани, бажарилган ишлар соҳалар ва ҳудудлар кесимида кенгрок очиб берилмагани ҳисоботни комплекс таҳлил қилиш, зарурий хулосаларга келишда мураккабликлар туғдирди.

Масалан, транспорт, йўл, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаси бўйича ҳудудлардаги ислохотлар натижалари, уларнинг қиёсий таҳлили келтирилмаган. Шуларни ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамасига келгуси ҳисоботларда ўстувор йўналишлардаги натижаларни соҳалар ва ҳудудлар кесимида, қиёсий таҳлиллар асосида тақдим этишни тавсия қиламиз.

Давлат дастури ижроси ҳақидаги ҳисобот нафақат амалга оширилган ишларни кўрсатиб бериши, шу билан бирга, мамлакат миқёсидаги долзарб ижтимоий-иқтисодий вазибалар хусусида хулоса чиқариш имкониятини яратиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фракциямиз Давлат дастурининг биринчи ярим йилликдаги ижроси бўйича ҳукумат ҳисоботини

кўриб чиқилди. Унда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга ҳилоф равишда ишлов бериш ва уни ОАВ ҳамда интернетда тарқатганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланяпти.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисдан ўрин олган яна бир масала “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди. Ушбу қонун лойиҳаси билан ижтимоий иш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, ижтимоий иш соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳамда унинг ваколатлари, ижтимоий ходимнинг вазибалари ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Лойиҳада ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс)ни аниқлаш ва уларни ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс) деб топиш асослари, ижтимоий хизматлар ва ёрдамдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам акс этмоқда. Қолаверса, ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг турлари ва шакллари аниқлик қилинляпти.

Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Мажлисда, шунингдек, ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамаи ҳам қизгин кеңди. Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Бундан ташқари, ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Қонун лойиҳаси билан соддалаштирилган тартибда



қўллаб-қувватлайди.

Муҳокамада якунида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи маъқулланиб, Ҳукуматнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган тегишли қарор қабул қилинди.

МУҲИМ ҚОНУНЛАР ВА КАТТА МАСАЛАЛАР

Жамият, давлат ривожлангани сари унинг қонунлари ҳам такомиллашиб бориши лозим бўлади. Сабаби, тараққиёт ҳаётимизга янгидан-янги тушунчаларни, ижтимоий муносабатларни олиб киради. Уларни мунтазам тартибга солиш ва мослаштириб бориш жамиятни ортиқча муаммолардан халос қилади.

Парламент куйи палатасининг ушбу йиғилишида амалдаги қонунчилигимизни такомиллаштиришга хизмат қиладиган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди.

Хусусан, сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган лойиҳа иккинчи ўқишда модда-модда

ижро этиладиган ижро ишлари тоифаси кенгайтирилмоқда. Хусусан, видеоконференцалоқа харажатларини, коммунал хизматлар ҳамда кўп квартирали уйлар мулкдорларининг мажбурий бадалларини ёки тўловлар бўйича қарздорликларни, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги ижро ҳужжатларининг соддалаштирилган тартиби назарда тутиляпти.

Мунозараларда лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан бир қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Хусусан, парламентдаги мухолифат фракцияси аъзолари таклифларидан келиб чиқиб, соддалаштирилган тартибда ижро этиладиган юқоридаги ишлар юзасидан ундирувни қарздор ҳисобий шахснинг банкларидаги жиомбаракларидан турган пул маблағларига қаратилмаслиги белгиланмоқда.

Баҳс-мунозаралар ва савол-жавоблардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси.

Дарҳақиқат, 2024 йили Хоразмда “кичик ва ўрта бизнес йили” бўлди, дейиш мумкин. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми сезиларли даражада ортиб, иқтисодий фаолиятнинг барча йўналишларида ижобий ўсиш динамикаси қайд этилди. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажми ортаётгани, қишлоқ хўжалигида барқарор ривожланиш, қурилиш соҳасидаги юқори суръат ва хизматлар қўламининг кенгайиши шулар жумласидан.

Инвестиция муҳитини яхшилаш, ишбилармонлиқни қўллаб-қувватлаш орқали Хоразмда янги имкониятлар эшиги очилди. Жумладан, вилоятга жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар натижасида 250 дан зиёд хорижий капитал иштирокида янги корхоналар ишга туширилди.

Ушбу корхоналарнинг фаолияти маҳаллий иқтисодиётни жонлантириш билан бирга, минглаб иш ўринларининг яратилишига олиб келди. Умумий қиймати 4 триллион сўмлик йирик лойиҳалар туфайли 16 мингдан зиёд киши доимий даромад манбаига эга бўлди. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурлари орқали ҳудудда ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар турлари кескин қўлайди. Бу эса ташқи иқтисодий қарамлиқни камайтиришда муҳим қадам бўлди, десак янглишмаймиз.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар ҳам қўтилганидек самара бераётганини айтиб ўтиш жоиз. Асосийси, вилоятда камбағаллик даражаси 14,1 фоиздан 11,9 фоизга, ишсизлик эса 5,8 фоизга тушди.

Фаровон ҳаёт асоси

Чиндан ҳам, юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Хоразм ҳам йил сайин чирой очиб бормоқда. Ўзига хос ва ўзига мос шаҳарсозлик, меъморчилик анъаналари асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти ҳамда иқтисодиётимиз қудратини кўз-кўз этмоқда. Замонавий инфратузилмаларга эга янги манзиллар оилаларнинг фаровон ҳаёт кечирishiга хизмат қилляпти.

Биламизки, аҳоли сони тобора ўсиб бораётгани фонида одамларнинг бирламчи ҳаётий талаб ва эҳтиёжлари ҳам йил сайин ортмоқда. Янги уй-жойлар-у янги таълим масканлари ва тиббий муассасаларни барпо этишдан тортиб, ичимлик суви, электр таъминоти, йўлсозликкача бутун бошли тизимларда қўшимча қувватларни яратишга зарурат бор. Шундан келиб чиққан ҳолда Хоразмда бунёдкорлик ишлари йилдан-йилга жадаллашяпти. Мисол учун, ўтган йили воҳа



Янги ўзгаришлар билан юзма-юз

бўйлаб 30 та мактаб, 15 та мактабгача таълим ташкилоти, 15 га яқин тиббиёт муассасаси ва қарийб 70 та ижтимоий аҳамиятга эга объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланди. Беш ярим мингта хонадонга мўлжалланган уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Хусусан, “Янги Ўзбекистон” массивларида юзлаб кўп қаватли кўркем уйлар қуриб битказилди.

Вилоятда яқин йилларгача жиддий муаммо бўлиб келган ва одамларда ҳақли эътирозларни келтириб чиқарган ичимлик суви таъминотида ҳам олдга силжиш кузатиляпти. Бугунги кунда ҳудуд аҳолисини тоза обихаёт билан таъминлаш даражаси 91,2 фоизга етказилгани бунинг исботи. Худди шундай, энергия таъминотини сифат жиҳатидан яхшилаш, янги йўللار ва кўприқлар қуриш орқали йўлсозликдаги камчиликларни бартараф этиш саъй-ҳаракатлари ўз маҳсулини бермоқда. Бухоро–Урганч–Хива темир йўлининг электрлаштирилиши ва тезорар поездлар қатновига старт берилиши хоразмликлар ҳаётида яна бир қувончли янгилик бўлди. Урганч шаҳрида жамоат транспортини яхшилаш мақсадида олиб келинган замонавий автобуслар аҳолига қўлайлик яратди.

Вилоятнинг тупроқ-иклим шароити мураккаб. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга илғор ёндашувларни жорий қилишни тақозо этади. Шу маънода, ҳозирда 56 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар қўлланилаётгани, ирригация ва мелиорация тармоқлари қайта қурилиб, 152 та сув иншооти янгидан барпо этилгани ҳамда таъмирлангани, 52 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши соҳибкор-деҳқонлар учун ҳар тарафлама мадад бўлди.

Сайёҳлар ошиқадиган макон

Хоразм ўзининг бетакрор осори-атиқалари, тарихий обидалари, шарқона бозорлари билан сайёҳларни мафтун этиб

келади. 2024 йилда ҳам Хоразм туризм соҳасида жадал ривожланганининг гувоҳи бўлдик. “Хива – ислом дунёсининг туризм пойтахти” деб эълон қилинган, 1,1 миллион нафар хорижий ва 4 миллион маҳаллий сайёҳ Хоразмга ташриф буюрди. Туризм инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида 45 та янги меҳмонхона ва дам олиш масканлари, қатор хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилди. “Хоразм туризм салоҳиятида яна бир гавҳар” дея таъриф берилган “Арда Хива” халқаро сайёҳлик мажмуаси очилди. Очiq осмон остидаги музей шаҳар - Хиванинг тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда, замонавийлик билан уйғунлаштирилган ушбу туристик марказда музей, бозор, ресторанлар, меҳмонхоналар, аквапарк ва амфитеатр каби иншоотлар сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.

Хоразмда жами 263 та маданий мерос обидаси мавжуд. Тадбиркорлар билан ҳамкорликда улар туристик масканга айлантирилса, қўшимча даромад ва иш ўринлари юзага келади.

Хоразм миллий таомларини тарғиб этиш, меҳмон ўринлари ва транспорт қатновларини кўпайтириш, янги кўнгилочар ва тематик масканлар қуриш, гид ва официантлар тайёрлаш ҳудуд туризм салоҳиятидан унумли фойдаланишнинг зарур шартларидандир.

Ал-Хоразмий ворислари

Ёдингизда бўлса, бундан икки йил олдин давлатимиз раҳбари сайловолди дастури билан Хоразмга ташрифи чоғида келгусида вилоятнинг “ташриф қоғози” ИТ соҳаси бўлишини таъкидлаб, Хоразмда 2024 йилдан бошлаб “Мухаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳаси амалга оширилишини айтган эди. Бу тизим шакл ва моҳиятига кўра, “мактаб – олийгоҳ – ИТ компанияси”дан иборат яхлит ИТ-таълим ва хизматлар санжирини яратди.

Шундан сўнг вилоятда “Мухаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳаси доирасидаги амалий ишларга киришилди. Унинг шарофати

ила минглаб ёшлар дастурлаш ва фриланс фаолиятига жалб қилинди.

Бу ўринда яна бир маълумот. Хоразм — Ўзбекистон ҳудудлари орасида рақамлаштириш бўйича етакчилардан ҳисобланади. Ҳудудда хорижга ИТ-хизматлар экспорт қилувчи ўнлаб ИТ Park резиденти мавжуд бўлиб, ИТ-экспортёр корхоналар томонидан 2023 йил мобайнида ИТ-хизматлар экспорти 1,5 млн АҚШ долларини ташкил қилган. 2024 йилда эса бу рақам 11,1 миллион АҚШ долларига етди. Рақамларнинг шу йўсинда шиддатли ўсиб бораётгани, табиийки, соҳада малакали кадрларга талабни оширади. “Мухаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳаси ана шундай мутахассисларни нафақат ҳудудий, балки халқаро ИТ-бозорига йўналтирадиган ноёб дастур ҳисобланади.

Умуман, Хоразмда ўсиб келаётган авлоднинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг замонавий таълим олиши ва ҳар томонлама етук бўлиб камолга етиши йўлида қилинаётган мана шундай эзгу ишларни санаб, адоғига етиш қийин.

Ҳозирда ҳудудда мактабгача таълим қамрови 83 фоизни ташкил этаётгани (2017 йилга қадар бу кўрсаткич 22 фоиз бўлган), ўтган йилда 7 минг 300 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб бинолари қурилиб, таълим инфратузилмаси мустаҳкамлангани, мактаб битирувчиларининг олий таълимга қамрови 56 фоиздан ошгани – буларнинг бари эртамиз эгалари бўлмиш фарзандларимизнинг бахт-у иқболи йўлида барча куч ва имкониятлар сафарбар қилинаётганини тасдиқлайди.

Бугун сўз юритганларимиз – Хоразмда одамларни рози қилиш, ёш-у кексада келажакка умид ва ишонч ҳиссини янада мустаҳкамлаш, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун олиб борилаётган ислохотларга қиёс этганда, дарёдан томчи, холос. Шуниси аниқки, айни кунларда энг азиз ва қадрли айём – Мустақиллигимизнинг қўтулғ ўттиз тўрт йиллигини муносиб нишонлаш тадоригини кўраётган хоразмликлар маррани бундан-да юқори олганлар.

Зотан, ҳар биримизнинг қалбимиз Ватан учун, миллат учун, халқ учун ёниб турибди.

МАҚСАД НЕЧОҒЛИҚ МАНТИҚЛИ?

НИГОҲ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Хусан ЭРМАТОВ,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси.

Айни шу талаблардан келиб чиқиб, Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан юқоридаги ҳужжат мутасадди идоралар, тегишли экспертлар билан атрофлича муҳокама қилинган, уни қабул қилишни рад этиш масаласи юзага чиқди.

Гап нимада?

Қонун билан «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддаси қайта тахрир этилиб, унинг:

биринчи қисмида: тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шўғулланиш ҳуқуқига ўзига тиббиёт соҳасида олий, ўрта махсус ёки профессионал таълим, шу жумладан, касб-ҳунар коллежларида таълим олганлик тўғрисидаги диплом берилган ва **давлат рўйхатидан ўтказилган шахслар эга бўлиши;**

иккинчи қисмида: тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш берилган **малака тоифаси бўйича автоматик равишда** амалга

Сенатда қабул қилиниши рад этилган қонун ҳақида халқона хулосалар

оширилиши;

учинчи қисмида: тиббиёт ва фармацевтика ходимларини **давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши** назарда тутилмоқда.

Шунингдек, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси **учинчи ва тўртинчи қисмлари** қайта тахрир этилиб, унда:

дорихона мудир олий тиббий ёки олий фармацевтика маълумотига эга бўлиши ва **Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши кераклиги;** дорихона филиалининг мудир **тиббий ёки фармацевтика маълумотига** эга бўлиши ва **Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши кераклиги** белгиланмоқда.

Аммо ушбу нормаларни ишлаб чиқишда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари инобатга олинмаган. Жумладан:

«**Таълим тўғрисида**»ги Қонуннинг **40-моддасининг олтинчи қисмида** давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат **тегишли мутахассислик ва касб бўйича ишлаш ҳуқуқини бериши** мустаҳкамланган.

Шунингдек, «**Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида**»ги Қонуннинг **2-моддасида махсус маъмурий тартиб-таомилларни белгилловчи қонунчилик жисмоний шахсларнинг**

ҳолатини ёмонлаштирмаслиги кераклиги, 12-моддасида эса, манфаатдор шахсларга **мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш,** фақат **расмий қоидалар** ва талабларга риоя **этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш** ёки уларнинг **ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш** маъмурий органларга тақиқланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги 5505-сонли Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг **7-бандида тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни** қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш назарда тутилган. Шунингдек, «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида**»ги қонуннинг **14-моддасида маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги** – маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган **коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар** жумласига киритилган.

Юқоридагиларга кўра, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг **асосий қоидаларини Қонун даражасида белгилаш,** шу жумладан:

тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш **мақсади, асослари, рўйхатдан чиқариш асослари,**

бу ҳаракатларнинг **оқибатлари;** рўйхатдан ўтказиладиган **субъектлар,** шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларида фаолият юритаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

рўйхатдан ўтказадиган **ваколатли орган,** унинг ушбу йўналишдаги **ҳуқуқ** ва **мажбуриятлари;** рўйхатнинг **очиқ бўлиши,** ундан аҳоли томонидан фойдаланиши ва бошқа масалаларни киритиш лозим.

Шунингдек, Қонуннинг 41-моддасига мувофиқ, **ўз касби бўйича** 3 йилдан кўп **ўзлуксиз** ишламаган тиббиёт ходимларининг тегишли фаолият билан шўғулланишига тегишли таълим ташкилотларида **қайта тайёргарликдан ўтганидан ёки уларга малака тоифаси берилганидан кейин** йўл қўйилиши назарда тутилмоқда.

Бироқ амалдаги Меҳнат кодексининг 502-моддаси бешинчи қисмида агар шифокорнинг **мутахассислиги бўйича** иш стажига 3 йил ёки ундан ортиқ танаффус мавжуд бўлса, шифокор ўз касбий фаолиятини қайта бошлашдан олдин аввалги йилларда олинганлиги тўғрисида ҳужжат билан тасдиқланган мавжуд **базавий, асосий ёки қўшимча мутахассисликка** мувофиқ **ихтисослашув курсларидан ўтиши** шартлиги белгиланган.

Кўриниб турибдики, мазкур қонуннинг 41-моддаси ва Меҳнат кодексининг 502-моддасини ўзаро

мувофиқлаштириш зарурати бор. Мана шуларни инобатга олиб, сенаторлар мазкур қонун юзасидан Қонунчилик палатаси билан келишув комиссиясини тузиш қарорини маъқулладилар.

Бу нимани англатади? Қонунчиликдаги ҳар бир ўзгариш жамиятда у ёки бу соҳанинг ривожланишига, унда инобатга олинмаган қирраларни аниқлаштириш ва улар бўйича тартиб-таомилларни белгилашга қаратилган бўлиши лозим.

Шу билан бирга, янгилик ва ўзгартиришлар соҳада янги муаммолар, қўшимча бюрократик тўсиқларни туғдирмаслиги, киритилаётган ҳар бир янги тартиб ўзини оқлаши лозим. Мазкур қонунга нисбатан эса саволлар етарли. Олайлик, тиббий олий маълумотга эга бўлган мутахассиснинг қўшимча давлат рўйхатидан ўтказилиши талаби бир қарашда бу йўналишдаги таълим муассасасига савбатан ишончсизлик белгиси сифатида баҳолалиши мумкин. Ваҳоланки, бу ишончсизлиқни бартараф этиш ҳукуматнинг рўйхатдан ўтказиш комиссияси зиммасига юкланиши нечоғлиқ мантиқли?

Аслида бу ишончсизлик замирида тиббий таълимга ишончсизлик бўй кўрсатмоқда. Унда тиббий мутахассислар етиштираётган муассасаларнинг таълим сифати, диплом бериш олдиндан имтиҳонларнинг янада шаффофлантирилиши, қолаверса, тиббиётда инсон ва жамият учун ўта муҳим йўналишга талабалikka қабул қилишда суперконтрактларни бекор қилиш йўли билан ҳал этиш, курашиш мантиқан тўғри бўлмайdimи?

Сенатнинг рад этиш қарорини халқона тилга ўғирганда, худди шундай саволлар юзага келади.

Манба: "Ишонч" газетаси



Сурхондарёни жануб гавҳари, дейишади. Ушбу минтақа ўзининг қатор бетакрор хусусиятларига эга. Фойдали қазилмаларга бой, йилига уч мартагача ҳосил олса бўладиган табиий шароити бор, аҳолиси меҳнатсевар. Сўнгги йилларда вилоятда кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилди, саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратишга катта эътибор қаратилди.

Бугун суяги меҳнатда қотган сурхонликларнинг ҳаётга қараши бошқача. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳам ортган, жамият тараққиёти, ҳудудлар ривожини учун қарорлар қабул қилиш, муносабат билдириш ишларидаги иштироки кенгайган. Бир сўз билан айтганда, сурхон эли бир муштга дўниб, эзгу мақсадлар тезроқ рўёбга чиқиши учун биргаликда ҳаракат қилмоқда. Ислохотлар шиддатига мос равишда партиямиз фаоллари ҳам фаол ишламоқда.

Ана шундай муҳим паллада маҳаллий Кенгашлардаги ХДП депутатлари нималар билан машғул, жойлардаги партиямиз ташкилотлари-чи? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Алишер Пардаев билан суҳбатлашдик.

АЛИШЕР ПАРДАЕВ:

ТАШАББУСЛАРИМИЗ ПАРЛАМЕНТ МИНБАРИДА АКС-САДО БЕРМОҚДА

– Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда ХДП катта куч ва салоҳиятга эга. Сиз етакчилик қилаётган партия ташкилоти ана шу имкониятдан қай даражада фойдаланмоқда? Кўзга кўринарли ташаббуслар ҳақида нима дейиш мумкин?

– Айтиш керакки, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз жойларда партиямиз электорати манфаатларини ифодалайдиган, ҳимоя қиладиган энг муҳим кучдир. Депутатларимиз фаолиятига назар ташласак, ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам борлигига амин бўламиз.

Аввало, таъкидлаш ўринлики, депутатларимиз маҳаллий Кенгашларда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ифода этиш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва кам таъминланган қатламларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ташаббуслар билан чиқмоқда. Улар ўз ваколатларидан самарали фойдаланиб, аҳолининг муҳим муаммоларини ҳал этишда ҳам фаол иштирок этишяпти. Албатта, бу ташаббуслар партия ташкилотларининг жойлардаги фаолияти ва депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиги асосида амалга оширилмоқда.

Бугун вилоятда партиямизнинг 84 нафар депутати бор. Шундан 9 нафари халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати бўлса, 75 нафари туман ва шаҳар Кенгашларидаги вакилларимиздир. Аъзоларимиз сони 77000 нафардан ортиқ, бошланғич партия ташкилотлари 783 тани ташкил этади. Вилоятдаги бугунги ўзгариш ва янгиланишларда, ҳудудлар тараққиётида уларнинг ҳиссаси борлиги, иштироки ошиб бораётгани қувонарли, албатта.

Шуни ҳам фахр билан айтишим керакки, ҳудудларда билимли, салоҳиятли депутатларимиз жуда кўп. Депутатлик гуруҳлари халқнинг фикри ва муаммоларини, хоҳиш-истакларини яхши билиш, мурожаатларини эшитиб, уларни ҳал этишда шижоатли ва ташаббускор бўлишга жон-жаҳди билан киришган.

Сўнгги пайтларда маҳаллий вакиллик органлари функцияларининг тизимлаштирилиши, хусусан, жамоатчилик назоратига оид ваколатларнинг аниқ белгиланиши кенгашлар, депутатлар ва жойлардаги партия ташкилотларининг режали ҳамда самарали фаолият юритиши, сифатли қарорлар қабул қилишларига ёрдам бермоқда.

Партиямиз ташкилотлари ва депутатларимиз ҳам бу имкониятдан тўлиқ фойдаланяпти. Масалан, ҳар бир маҳаллий Кенгашда аҳолининг муаммолари ва эҳтиёжларини аниқлаш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш ва муҳокама қилиш тизими йўлга қўйилган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларда парламент ва депутатлик назорати олиб бориляпти. Таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, кейинги пайтларда мамлакатимизда ислохотларнинг марказий нуқтасига чиқаётган муҳим соҳаларда депутатлик назорати олиб борилди ва улар сессиялар кун тартибига киритилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ҳар бир сессияда саволлар, таклифлар ва танқидий фикрлари билан фаол қатнашишмоқда.

Жумладан ЎзХДП гуруҳлари томонидан 2024 йилда 29 та масала ҳамда 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида 35 та масала сессияларга киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Хусусан, халқни ташвишга солаётган муаммоларни турли даражадаги раҳбарларга олиб чиқиш, уларнинг ҳисоботини тинглаш механизмидан самарали фойдаланяпмиз.

Бу кўпми ёки кам, деган ҳулоса қилмаймиз. Шунчаки, кўтарилган ҳар бир масала ортида инсон манфаати, ҳудуд ривожини турган экан, унинг долзарблиги, аҳамияти юқори бўлаверади.

Одамларимизни ўйлантираётган ижтимоий масалалар қай даражада самара ва натижа бераётгани депутатлик назоратини олиб бориш давомида янада яққол, аниқ кўринади. Қонунлар, қарор, дастурлар ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг ижроси, яъни, рўёбини билиш учун кўпроқ одамлар орасида бўлиш, ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга кириб бориш керак. Муҳими – мана шу ишни сидқидилдан бажаришда.

Масалан, жойлардаги муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат бериш борасида муайян ишлар олиб борилди. Жумладан, партиянинг Сурхондарё вилояти, туман ва шаҳар



АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН “ДЕПУТАТ МАҲАЛЛАДА” ЛОЙИҲАСИ ОРҚАЛИ 700 ДАН ОРТИҚ МАҲАЛЛАГА КИРИБ БОРДИК. 500 ДАН ОРТИҚ ҲУДУДЛАРДА “МАҲАЛЛАДА КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАР СОНИНИ КАМАЙТИРИШ” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

кенгашлари қошидаги “Жамоатчилик қабулхоналари”га фуқаролар томонидан жами 182 та мурожаатлар келиб тушди. Ушбу мурожаатларнинг 130 таси, яъни, 71 фоизи партия масъул ходимлари ҳамда депутатларимиз иштирокида ижобий ҳал қилишга эришилди. Келиб тушган мурожаатлар соҳалар бўйича таҳлил қилинганида 32 таси коммунал, 16 таси бандлигини таъминлаш, 24 таси ижтимоий масалалар ва соғлиқни сақлаш, 15 таси ўй-жой, ер олиш, 8 таси банкдан кредит олиш масаласида, 26 таси моддий ёрдам, 23 таси иш ҳақи, нафақа ва пенсияларни ўз вақтида ололмаётганликлари юзасидан, 16 таси таълим ва 22 таси бошқа масалалар бўйича эканлиги маълум бўлди.

Шунингдек, 3 342 мартаба партия дастурий мақсад ва гоёлари тарғиботига қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларда 170 мингдан ортиқ фуқаролар қамраб олинди.

Депутатлар томонидан фуқаробай, хонадонбай аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида 650 дан ортиқ маҳалаларда сайёр қабуллар ўтказилиб, унда 20 125 нафар аҳоли қатнашди, ушбу сайёр қабулларда 9 мингдан ортиқ муаммоли масалалар кўтарилиб, аксарияти ижобий ҳал этилди.

– **Сиз вилоят партия кенгаши ишидан шахсан ўзингиз қониқасизми? Партия кенгаши йўл қўйган хатолар сизнингча, нималардан иборат? Камчиликлар қандай ва қайси пайтда ижобий тенденция томон силжийди?**

– Юқорида таъкидлаганимдек, депутатларимиз, партиямиз ташкилотлари бир қатор муҳим ташаббусларни илгари суриб, ижтимоий адолат ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатмоқда. Биз аҳоли билан мулоқотни кучайтириш, муаммоларни ижобий ҳал этиш, ижтимоий ҳимоя тизимида депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида катта саъй-ҳаракат қиляпмиз.

Аммо айрим масалаларда камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Янада фаол ишлаш, катта-катта ташаббуслар билан чиқиш учун ишга солинмаган имкониятларимиз бор, шундан унумли фойдаланишимиз керак.

Чунки электорат манфаатлари йўлида бажарилиши шарт ва зарур бўлган ишлар талайгина. Партиямиз депутатлари бу борадаги назорат-таҳлил ишларини изчил олиб борса, камчиликларни очик-ойдин таҳлил этса, кўп муаммолар ечилади, эҳтиёжманд аҳоли вакилларининг оғирини енгил бўлади, деб ўйлаймиз.

Шуни ҳам айтишим керакки, депутатларимизнинг мутасадди ташкилотларга юбораётган депутатлик сўровлари ҳам жавобсиз қолмайди. Аҳоли билан учрашувлардаям энг кўп мурожаатлар бизга билдирилади. Чунки кўтарилган масалалар ҳал этилгач, натижаси етказилди, одамлар ўзгаришларни ўз кўзи билан кўради.

Сессияларда, доимий комиссия ййигилишларида бирор жўяли тақлифимиз инобатга олинмасдан қолса, тортишамиз, фикримизнинг асосли эканини исботлаш учун курашамиз. Аммо айрим депутатларимизда ташаббус етишмайди. Очиғини айтиш керак, муаммо ва мурожаатлардан қочиб юрадиган депутатлар ҳам йўқ эмас. Айтилик, партиянинг амалий Ҳаракат дастурида партия гуруҳларига юклатилган вазифаларга эътиборсиз қараб келаётган партия гуруҳлари ҳам бор. Масалан,



вилоятимизда ичимлик суви муаммосидан қийналиб келаётган ҳудудлар мавжуд. Қишлоқларда, маҳаллаларда ички йўлларни таъмирлаш, шунингдек, иссиқлик таъминоти масаласи, электр энергияси, тунги чироқлар йўқлиги билан боғлиқ қатор муаммолар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти.

Ушбу масалаларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботлари етарлича эшитилмасдан қолмоқда. Аксарият ҳолларда партия гуруҳлари масалани муҳокамаларга олиб чиқиш билан чекланиб, қабул қилинган қарорлар ижроси назоратсиз қолиш ҳолатлари кузатиляпти. Ваҳоланки, энг муҳими, эришиладиган натижадир. Ўз ишига виждонан ёндашадиган депутат эртага сайловчилар ҳузурига нима деб бориши ҳақида ҳам ўйлаб кўради.

Ташаббуслар “қоғозда” қолиб кетмаслиги керак. Нима демоқчиман? Айтийлик, депутатларимиз сессияда электорат манфаатини ҳимоя қилиш бўйича таклиф билан чиқди. Сессия буни инобатга олади, тегишли қарор қабул қиладди, лекин уларни амалга ошириш учун етарли назорат тизими ёки ижро механизмлари мавжуд эмас. Бу эса ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилишида сусткашликка олиб келади. Сессияда қабул қилинган қарор ижро этилиши шарт ва зарур. Чунки бунинг ортида юзлаб инсонлар манфаати турибди. Депутатлар сессиялар қарорлари ижросини ҳам қатъий назорат қилиши керак, деб ўйлайман.

Фаолиятимиз қачон ижобий тенденция томон силжishiга тўхталадиган бўлсам, бунинг учун партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ва парламентдаги вакилларимиз барчаси бир мушт бўлиб ҳаракат қилиши керак. Тўғри, сўнгги йилларда улар ўртасидаги алоқа сезиларли даражада яхшиланди. Ҳозир қўйида билдирилган ташаббусларимиз парламент минбарида акс-садо бермоқда. Бу яхши натижа, албатта.

– **Ютуқлар ҳақида гапирдик, хато ва камчиликларга тўхталдик. Келинг, энди бевосита партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш масаласига тўхталсак. Бундан кейин нимани кутсак бўлади? Яна бир савол. Юқорида**



ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН ФУҚАРОБАЙ, ХОНАДОНБАЙ АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ МАҚСАДИДА 650 ДАН ОРТИҚ МАҲАЛЛАЛАРДА САЙЁР ҚАБУЛЛАР ЎТКАЗИЛИБ, УНДА 20 125 НАФАР АҲОЛИ ҚАТНАШДИ, УШБУ САЙЁР ҚАБУЛЛАРДА 9 МИНГДАН ОРТИҚ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР КЎТАРИЛИБ, АКСАРИЯТИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ.

муаммоларни айтдингиз. Хўш, сиз бу муаммоларни тўлиқ бартараф этишга ваъда бера оласизми?

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятимизда 20 та ҳудудий янги бошланғич партия ташкилотлари тузилди.

Шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий онгини шакллантиришга партия томонидан катта аҳмият берилмоқда.

Партиямиз тизимида ўтказиладиган “Ёш сиёсатчи” кўрик-танлови орқали бизга хайрихоҳ бўлган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Ўтган йили ушбу лойиҳа орқали 2846 нафар янги аъзолар партиямиз атрофида билрлашди.

Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган “Депутат маҳаллада” лойиҳаси орқали 700 дан ортиқ маҳаллага кириб бордик. 500 дан ортиқ ҳудудларда “Маҳаллада камбағал оилалар сонини камайитириш” лойиҳаси доирасида амалий тадбирлар ташкил этилди.

Шунинг учун ҳам келгуси фаолиятимизда партия сафини кенгайтириш, сайловчилар меҳрини қозониш, аҳолига янада яқинлашиш бўйича катта лойиҳаларни режалаштирганимиз.

Тўғри, фаолиятимизда муаммолар ҳам бор ва уларни бирданига тўлиқ бартараф этиш осон эмас. Лекин партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш учун бор куч-имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланган ҳолда қатъий ҳаракат қиламиз.

Агар биз фаолиятимизни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, рақамлаштириш жараёнини самарали татбиқ этган ҳолда замонавий стандартлар асосида ташкил этсак, ишимизнинг таъсирчанлиги ошади, деб ўйлайман.

Сайловолди дастуриимизда катта гоёлар ўрин олган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган яхши ташаббуслар илгари сурилган, одамларимизнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган. Улар шунчаки гап эмас, электоратимиз манфаатларини таъминлаш, халқимиз ва жамият ривожини кўзлаган аниқ мақсад-муддаолардир. Ҳозир жойларда дастур ижросига қатъий ва жиддий киришилган. Ана шу жараёнда ҳар бир фаолимиз ўз таклифи ва иштироки билан қатнашса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Шу сабабли, биз натижага эришиш учун ҳаракат қилишга ва бу мақсадлар йўлида ҳамжихатликда ишлашга тайёремиз!

Шу кун вилоят партия кенгаши раиси билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Биз Сурхондарёдаги депутатларимиз ва партия ташкилотлари фаолиятининг учкунлари ҳақида суҳбатлашганимизни яхши билардик. Бунга газетанинг бир саҳифасига сиғдиришнинг иложи ҳам йўқ, албатта.

Кўриниб турибдики, вазифалар қўлами кенг, шунга яраша амалий ишлар ҳам кўп. Энг муҳими, шунча имконият, шунча эътибор. Ҳамма гап имкониятлардан тўғри фойдаланишда, мақсад-муддаонинг моҳиятини тўғри тушуниб, уни амалда қўллашда, аслида.

**“Ўзбекистон овози” мухбири
Лазиза ШЕРОВА суҳбатлашди.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ишга шоъяспиз, соат миллари тўхтаб турмайди. Уйдан чиққанингизга 30-40 минут бўлди. Аммо ҳали ишхонагача анча йўл бор. Шаҳар кўчаларидаги турнақатор тирбандликда нима қилишни билмай, атрофга қарайсиз, одамларни кузатасиз.

Баланд овоздаги сигнал қулоқни қоматга келтириб, хаёлингизни бўлади. Ёнингиздаги автомашина эгаси сиздан йўл сўрайди. Ҳамма автомобиль бир бирига тақалиб турибди. Қайсидир ҳайдовчи эса бошқасига қараб дўк уриб, "чиройли" сўзлари билан сийлайди. Кунда, кунора қондани менсимаган қайсидир автомашина ёнидагисини «туртиб» юборганига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. "Тез ёрдам" эса дод солиб, йўл сўрайди.

Деярли ҳар кун ҳар биримиз ишга шошиб, тирбандликда кузатадиган ҳолатимиз, кечинмаларимиз шундай...

ИШГА НЕЧА ДАҚИҚАДА БОРАСИЗ?

"Мустақиллик" метроси томондамиз. Йўл четида машинасини қўйиб, шошиб кетаётган ватандошимиздан шу ҳақида сўрадик. Ўзини Карим Нуриддинов деб таништирди ва бизга шундай жавоб берди:

– Сергелида яшайман. Соат тўққизда ишга етиб келишим учун 7:30 ларда уйдан чиқаман. Шунда ҳам аранг улгуриб етиб келаман. Йўллар таъмирланаётгани учун жуда катта тирбандлик юзага келмоқда. Ишдан қайтишимда атайлаб кечроқ чиқаман, сал машиналар оқими камайсин деб. Уйга кириб боргунимча соат кечки тўққизлардан ошади. Бунинг ечими борми?

Автобус бекати томон йўл олдик. Жамоат транспортидагиларнинг ҳам бу борадаги фикрини ўргандик. "Чорсу" савдо марказидан "Авиасозлар" автостанцияси томон ҳаракатланадиган 44-автобус бекатга келиб тўхтади. Транспортдан тушиши билан бир онахонни сўхбатга тордик.

– Йўллар тирбандлигини ҳисобга олиб, тахминий вақтдан ҳаттоки 40 минут олдин йўлга чиқамиз. "Авиасозлар" бозоридан "Олой" бозоригача келаман. Йўллар тирбанд, баъзан 1 соатда келаман. Кексаларга қийинроқда, – дейди Робия ая.

Шу кунни жуда кўпчилик билан суҳбатлашдик. Аммо ҳеч кимдан "манзилимга бир зумда етиб оламан", деб эшитмадик. Бир юртдошимиз Чилонзордаги "Алгоритм" массивдан тирбандлик сабабли 1,5 соат йўл босиб, ишга, ўқишга қатнаши ҳақида айтди.

Энди тасаввур қилинг, эрталаб ва кечқурун 1,5 соатдан буён, 3 соат вақтини йўлда ўтказаятган инсоннинг кайфияти қандай бўлади?..

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

Яқинда Президентимиз ҳам 15–20 дақиқа тирбандликда турганини таъкидлади.

Бу ҳақли эътирозга ҳали кўп бўлгани йўқ. Шу йилнинг 9 июль кунин йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги йиғилишда давлатимиз раҳбари тирбандликлар мавзусига тўхталиб, одамлар тирбандлик муаммоси туфайли уйга жуда кеч қайтаётгани ва бу уларнинг кайфиятига таъсир кўрсатаётганини қайд этди.

Чиндан ҳам, жаҳоннинг барча йирик шаҳарларида бўлгани каби бизда ҳам йўл транспорт соҳасидаги тирбандлик муаммоси бугун ечимини кутаётган масалалардан бирига айланган. Айниқса, бир вақтлар фақат киноларда кўрганимиз автомобиль йўлларидаги узундан-узун тирбандликлар бугун пойтахтимиз учун ҳам оддий ҳол бўлиб қолди. Айниқса, эрталаб ва кечқурунги тиғиз пайтларда бу тирбандликлар янада ортади.

Аввало, айтиш керакки, замон ривожланиб, пойтахтимиз кун сайин ўзгариб, нафақат минтақанинг балки дунёнинг йирик марказларидан бирига айланиб бормоқда. Урбанизация, ижтимоий-иқтисодий ва демографик жиҳатдан тараққиётга юз тутмоқда. Ҳозир деярли ҳар бир оилада биттадан ёки оила аъзоларининг ҳар бирида шахсий автоулов бор. Аммо бунинг ортидан йўлларда катта тирбандликлар кузатишмоқда. Айниқса, эрталаб ишга, ўқишга келаётганлар, ишдан қайтаётганлар бунни яхши билади.

Шаҳар бўйлаб соатлаб давом этаётган тирбандликлар пойтахтимиз инфратузилмасидаги жиддий муаммоларни аяқол кўрсатиб турибди.

Айрим кўчаларда иш кунлари ўртача 7-9 баллик, баъзан 10 баллик тирбандликлар кузатишмоқда. Шунинг учун куннинг тиғиз пайтида манзилга бориш учун одамлар 2 баробар кўп вақт сарфланмоқда. Бунинг яна бир ҳовотири томони борки, кўчаларда юзага келадиган тирбандлик транспорт воситаларидан чиқадиган зарарли ташламалар миқдорини ҳам оширади.

Тўғри, ҳозирги кунда пойтахтимиздаги ҳаракат ва тирбандликлар Москва, Лондон, Нью-Йорк ва бошқа катта шаҳарлардан анча яхшироқ бўлиши мумкин. Аммо мазкур масаланинг ечимига қаратилган ишлар тезкор равишда амалга оширилмаса, Тошкентнинг аҳолиси санаб ўтилган шаҳарлардан кам бўлса-да, унда кузатилаган тирбандликлар улардагидан ўтиб кетиши мумкин.

ТОШКЕНТ ТИРБАНДЛИК ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА ДУНЁДА НЕЧАНЧИ ЎРИНДА?

Numbeco сайти 2025 йилнинг дастлабки ҳисоботида шу ҳақида эълон қилди. Унга кўра, Тошкент шаҳри дунёдаги энг тирбанд шаҳарлар рейтингига 195-ўринни эгаллади.

Яъни, Ўзбекистон пойтахти 127 трафик индекс кўрсаткичини қайд этган. Бу индекс қатнов вақти, тирбандликда ўтказилган вақт учун норозилик кайфияти, ҳавога чиқариладиган чиқинди газлар ва транспорт тизимидаги самарасизлик каби омилларни ўз

ТИРБАНДЛИКНИНГ ОХИРИ БОРМИ?



Маълум бўлишича, марказий йўлларда тирбандлик ҳосил бўлишининг 30 фоизи ҳайдовчиларнинг тўхташ учун жой излашлари туфайли келиб чиқади.

ичига олади.

Маълумотга кўра, Тошкентда бир манзилдан иккинчи манзилга етиб бориш учун ўртача 35,4 дақиқа вақт сарфланади.

Тирбандлик индексини баҳолашда шаҳар транспорт тизимидаги муаммолар мавжудлиги ва ҳавога чиқарилаётган чиқиндилар миқдори ҳам инобатга олинган. Тошкент жамоат транспортида муаммолар мавжудлиги қайд этилган ва шаҳар бу борада (182,4 балл) дунёда 133-ўринда.

Ҳўш, аслида муаммолар илдизи нималарга бориб тақалади ва уларни ҳал этишда қандай ҳулоса ва ёндашувлар муҳим? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида тирбандлик муаммосининг сабаблари, оқибатлари ва ечим йўлларига тўхталиб ўтамиз.

ЙЎЛЛАР, КЎЧАЛАР АВТОТРАНСПОРТЛАРГА ТЎЛА

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда аҳоли сони тез ўсмоқда. Шунингдек, пойтахтга қандайдир иш билан келиб-кетувчилар ҳам кўп. Шунга яраша талаб ва эҳтиёжлар ҳам ортиб бориши табиий.

Расмий маълумотларга кўра, Тошкентда автомобиль миқдори йилга ортиб бормоқда. Бу эса тирбандликларнинг кўпайишига олиб келяпти.

Аввал пойтахтнинг бир нуқтасидан иккинчисига етиб олиш учун 20-30 дақиқа кетган бўлса, энди бу вақт 45-60 дақиқани, ҳаттоки, ундан ҳам кўпроқ вақтни ташкил этмоқда. Чунки йўллар, кўчалар автотранспортларга тўла.

Одамларимиз ўртача 10 км масофани босиб ўтиш учун эрталаб соат 08:00 – 10:00 оралиғида ўртача 30-35 дақиқа, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақт сарфляпти.

Статистикага кўра, Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган 760 минг автотранспорт мавжуд (йилига 76 мингтага ортиб бормоқда). Транспорт воситалари доимий ҳаракатланадиган асосий йўл, кўча тармоқлари узунлиги 470 км бўлиб, 380-400 минг автотранспорт ҳаракатланишига мўлжалланган. Шу билан бирга кунлик шаҳарга кириб-чиқувчи автомобиллар сони 160-220 мингта бўлиб, кун давомида шаҳар йўлларида 900 мингга яқин автотранспорт воситалари навбатма-навбат ҳаракатланмоқда. Бу эса бир вақтнинг ўзида 2 баробар кўп бўлган автотранспортлар ҳаракатланаётганини англатади.

“ТЎХТАШ МУМКИН ЭМАС”

Очиғи, пойтахтимизда ҳаракатланаётган автомобиллар кўп ҳолларда автотураргоҳлар етишмаслигидан азият чекади. Бундай



ЖАҲОН ТАЖРИБАСИГА КЎРА, АҲОЛИНИ КУНЛИК ҲАРАКАТЛАНИШГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, БУНДА ЙЎЛГА САРФЛАНАДИГАН ВАҚТ ВА МОДДИЙ РЕСУРСЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА, СИФАТЛИ, ҚУЛАЙ, ХАВФСИЗ ВА ЖОЗИБАДОР ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ.

шароитда табиийки, ҳайдовчилар йўллар ёқасида тўхташга, машинани йўл четига қўйиб кетишга мажбур бўлади. Натижада йўл қисқаради ва ҳаракатланиш қийинлашади.

Маълум бўлишича, марказий йўлларда тирбандлик ҳосил бўлишининг 30 фоизи ҳайдовчиларнинг тўхташ учун жой излашлари туфайли келиб чиқади.

Ҳозир шаҳарнинг кўп қисмида йўл ёқаларида "тўхташ мумкин эмас", белгиларини кўриш мумкин. Тўғри, бу йўл ҳаракати иштирокчилари ўртасида ўзаро тартибни таъминловчи муҳим восита ҳисобланади. Аммо автотураргоҳ масаласини ҳал этмасдан туриб, тирбандликнинг олдини олиш мушкул, назаримизда.

Машина қолдиришга жой топа олмагач одамлар ноиложликдан машинани йўл юзига қолдиради. Ушбу муаммонинг таъсири нафақат ноқулайлик туғдиради, балки йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳам хавф остига қўйиб, шаҳардаги тирбандлик муаммоларини кучайтиради.

Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, эскирган инфратузилма, тор йўллар ҳам тирбандлик билан боғлиқ ҳолатни янада мураккаблаштирамоқда.

Ҳўш, тирбандликларнинг охири ва ечими борми?

Анвархон ТЕМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Тирбандлик муаммосини ҳал этиш комплекс ёндашувни талаб қиладиган кўп қиррали вазифа. Масалан, жамоат транспорти тизимини яхшилаш, йўл инфратузилмасини оптималлаштириш, уларни кенгайтириш каби замонавий ечимлар билан натижага эришиш мумкин.

– Тўғри, сўнгги йилларда аҳолига қулайлик яратиш, тирбандликларни камайитириш бўйича ҳукумат томонидан қатор чора-тадбирлар кўриляпти. Масалан, йўлларни кенгайтириш, келажақда 50 йилни ҳисобга олиб йўл қуришга эътибор берилмоқда. Шаҳарларда эса имкон даражасида биноларга яқин бўлмаган йўллар кенгайтирилмоқда. Чунки кечаги шаҳарсозлик нормалари бугунги кун талабига жавоб бермаляпти.

Охириги 7 йилда йўлларни қуриш ва таъмирлашга 61 триллион сўм ажратилган. Шаҳарларда жамоат транспорти учун махсус йўлаклар ташкил қилинди. Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл маданиятини ошириш мақсадида ҳам зарур чоралар кўришмоқда.

Энди эса бунини янада яхшилаш, аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, янги аҳоли массивларини қамраб олиш бўйича янги қатновларни жорий этиш, замонавий жамоат транспорти воситалари сони ошириш, уларга техник хизмат кўрсатишни ривожлантириш зарур.

Жаҳон тажрибасига кўра, аҳолини кунлик ҳаракатланишга бўлган эҳтиёжини қондириш, бунда йўлга сарфланадиган вақт ва моддий ресурслар самарадорлигини оширишга, сифатли, қулай, хавфсиз ва жозибадор жамоат транспорти тизимини жорий этиш орқали эришилади.

Шу тариқа жамоат транспортини ривожлантириш масаласи тирбандликнинг олдини олишдаги энг зарур чора-тадбирлар сирасига киради.

Айтайлик, йўналишлар сони ошириш ва жамоат транспорт хизматларини яхшилаш одамларни шахсий автомобиллардан воз кечишга ундаши мумкин. Ривожланган давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, пойтахтида аҳолининг 70-80 фоизи ишга жамоат транспортида боради. Тошкентда эса бу кўрсаткич 30 фоиздан юқори, холос.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, бунинг сабаби жамоат транспортининг қатнов вақти оралиғи 30 дақиқадан ошиб кетиши ҳолатлари мавжуд, бу эса аҳоли учун ноқулайлик туғдиради.

Шунга кўра, одамлар такси хизматлари ва шахсий автотранспортдан фойдаланишни маъқул кўришади. Натижада кўчаларда турнақатор тирбандликлар пайдо бўлиб, улар ҳаракатни қийинлаштиради.

Яна бир ечимга тўхталаман. Фикримча, йўллар инфратузилмасини яхшилаш орқали жамоат транспортга бўлган ишонч ҳам ортади. Тошкентда замонавий автобус линияларини жорий этиш ва метро тизимининг ўтказувчанлигини ошириш орқали шаҳар бўйлаб ҳаракатланишни енгиллаштириш мумкин.

Шунингдек, бошқа мамлакатларда ўз самарасини берган яна бир усул бор. Яъни, "аккли" светофорларни ўрнатиш. Бу қандай ишлайди? Бундай светафорлар ҳолатга мослашувчан бўлади, улар йўллардаги ҳолатга, реал вазиятга қараб ишлаши тирбандликлар сони камайтиради, албатта.

Президентимиз томонидан шу йил 9 июль кунини ўтказилган йиғилишда ҳам бу бўйича аниқ топшириқлар берилган эди.

Айтилишича, пойтахтдаги тирбандликларни камайитириш мақсадида "Интеллектуал транспорт" ахборот тизими ишга туширилади. Ушбу тизимга Тошкент шаҳридаги 700 дан зиёд чорраха ва улардаги барча светофор, фото ва видеокўзатув мосламалари улашиб, транспорт оқимига қараб светофорларни масофадан бошқариш ҳисобига тирбандликлар 25-30 фоизга камайиши мумкин.

Бундан ташқари, алтернатив транспорт воситаларидан фойдаланишни рағбатлантириш, пиёдалар йўлакларини, зоналарини кенгайтириш ҳам муаммога яхши ечим бўлади. Йўлларда қайрилиб олиш жойларини кўпайитириш ҳам тирбандликларнинг олдини олади, деб ўйлайман.

ТИРБАНДЛИКЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ВАЗИЯТЛАР МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Яқинда пойтахт кўчаларида тирбандликларни барвақт прогноз қилишга қаратилган компьютерлаштирилган вазиятлар маркази яратилди.

Маълум бўлишича, сўнгий интеллект имкониятларидан фойдаланган ҳолда марказга табиқ этилган интеллектуал транспорт платформаси автотранспорт оқимини кузатиш, таҳлил қилиш ва интеллектуал бошқаришга имконият яратиб беради.

Ушбу компьютерлаштирилган вазиятлар маркази пойтахт кўчаларида ҳаракат хавфсизлигини рақамлаштириш, замонавий технологиялар ва сўнгий интеллект имкониятларидан фойдаланган ҳолда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда шаҳарда тирбандликларни барвақт прогноз қилиш билан шуғулланади.

Натижада шаҳарда тирбандлик 50 фоизгача камайишига, автомобиль йўловчиларининг вақтини тежаш, йўллардаги бахтсиз ҳодисалар сони камайиши, фавқулодда хизматлар ҳаракатини тезлаштириш ҳамда қарор қабул қилишда аниқ статистика орқали самарадорликини оширишга хизмат қилади, дейилади ИИБ хабарида.

Барчамиз истаимизми, йўқми деярли ҳар кунини йўл ҳаракати иштирокчиларига айланамиз. Йўллардаги ҳар қандай ҳолат кайфиятимизга таъсир қилади. Хавфсизлигимиз таъминланиши, вақтимиз беҳуда кетмаслиги, ишимиз унумдорлиги ошиши учун аввало, манзилга олиб борувчи йўллар қулай бўлиши керак. Таклифлар ўрганилиб, давлат раҳбари белгилаб берган вазифалар тўлиқ бажарила, бу пойтахтимизда тирбандлик муаммосини ҳал этишга ёрдам бериши билан бир қаторда экологик вазият учун ҳам ижобий аҳамиятга эга.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

ЎзХДП: ҳудудий ташкилотларда

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Дилбар КОМИЛОВА,
ЎзХДП Пискент туман кенгаши раиси.

Сув — ҳаёт учун энг бирламчи эҳтиёж саналади. Инсон соғлиғи ҳам, ўртача умр кўриш давомийлиги ҳам, энг аввало, ичимлик суви сифатига боғлиқ. Халқ ибораси билан айтганда, қаерда сув бўлса

ҳаёт ўша ерда, сув тугаган жойда ҳаёт ҳам тугайди.

Юртимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинаётган бўлса-да, айрим жойларда ичимлик суви таъминоти паст даражада эканини кўрамыз.

Шундан келиб чиқиб айтидиган бўлсак, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бугуннинг долзарб масаласидир. Айниқса, юртимизнинг чекка ва узоқ ҳудудларида бунга эҳтиёж юқори. Бу муаммоларни бартараф этиш учун сув захираларимиздан оқилона фойдаланиш, унинг бефойда сарфланишига йўл қўймаслик, ифлослантирмаслик тақозо этилади.

Яқинда халқ депутатлари Пискент туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз тумanning ичимлик суви ва оқова сув тизимини ўрганиб, уни такомиллаштириш масаласини туман Кенгаши сессиясига киритди.

Ўрганиш натижаларига кўра, туманда 20 мингга яқин хонадон мавжуд бўлиб, уларда 100 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 71,1 фоизи ичимлик суви билан таъмирланган. Режага кўра, бу кўрсаткич 90 фоизга етказилиши мақсад

қилинган.

Туманда 223 км ичимлик суви тармоқлари мавжуд бўлиб, шундан 16 километри таъмирга муҳтож ҳолатда.

Туман Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар таҳлили уларнинг катта қисми айнан ичимлик сувининг тез-тез узилиб туриши, бу борадаги мурожаатлар масъуллар томонидан вақтида кўриб чиқилмаслиги, яроқсиз ҳолга келиб қолган қувурларнинг йиллар давомида таъмирланмаслиги билан боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Депутатларимиз сувга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳар қачонгидан ортиб бораётган бир шариоатда кўп ҳолларда сув беҳуда йўқотилаётганини қаттиқ танқид қилишди. Истеъмолнинг аниқ ҳисоби йўқ, айрим насослар, соҳа корхоналарига тегишли махсус техникалар эскирганлиги қайд этилди.

Шунинг учун ҳам ҳудудларда сув ресурсларини тежашга алоҳида эътибор бериш, суғорма деҳқончилик қилинадиган барча экин майдонларини тўлиқ сув тежайдиган технологияларга ўтказиш, соҳага бозор механизмларини кенг татбиқ этиш, сув тежайдиган технологияларни жорий этиш масаласи долзарб аҳамиятга эгаллиги таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги беш йилда мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни қўллаш бўйича қатор имтиёзлар ва переференциялар берилди. Улардан самарали фойдаланиш орқали ҳудудлардаги сув таъминоти ва оқова тизимини яхшилаш бўйича катта ишлар қилиш мумкин. Ҳамма гап истиқболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий жиҳатларини пухта ўрганиб, уни амалиётга татбиқ этишда, деб биламан. Шунингдек, сув етказувчи насосларни энергия тежамкорига алмаштириш, соҳа корхоналарини молиявий барқарорлаштириш чораларини кўриш ниҳоятда муҳимдир.

Ичимлик суви билан боғлиқ муҳокамалар узоқ давом этди. Шу боис бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, манзилли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифлар билдирилди. Сув масаласи устувор аҳамият касб этаётган экан, уни исроф қилмасликни тарғиб қилиш ишларини кучайтириш кераклиги айтилди. Сув таъминоти даражаси паст ҳудудларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Сессия якунда муҳим қарорлар қабул қилди.

СЎХ ТУМАНИ ЁШЛАРИ УЧУН ҚУВОНАРЛИ ХАБАР!



Раҳмонжон КИМСАНБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.

Тенгдошларим, сўхлик ёшлар билан қайси касбга қизиқишлари ҳақида жуда кўп суҳбат қиламан. Бу орқали уларнинг интеллектуал салоҳиятини ўрганаман, ўзига хос фикрлари билан танишиб бораман. Мен келажак ҳақида йирик ўлчамларда бош қотиришим, ёшларимиз манфаатларини парламент минбарида туриб ҳимоя қилишим учун бу муҳим, албатта.

Анчадан буён шуни кузатаманки, туманимизда тиббиёт соҳасига қизиқадиган ёшлар жуда кўп. Уларни қўллаб-қувватласак, қизиқишларини, қобилият ва истеъдодларини тўғри йўналтирсак, эртага яхши мустахассис, шифокор ва ҳамширалар етишиб чиқади.

Тиббий таълим, малакали кадрлар эса соҳа келажagini белгилайди.

Тиббиёт йўналишининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун мақсадли қабул квоталарининг ажратилиши тиббиёт тизимига етук ва малакали кадрларни етказиб бериш, соҳада чўқур билимга эга мутахассисларни тайёрлаш, ушбу йўналишдаги олий ўқув юртларида таълим сифатини янада ошириш, бу орқали аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олишда муҳим.

Шулар ҳақида ўйлаб, Сўх тумани ёшлари учун тиббиёт соҳаси бўйича олий таълим квоталарини ажратиш масаласида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига мурожаат қилдик.

Ҳаракатларимиз бесамар кетмади. Андижон ва Фарғона давлат тиббиёт институтларига 19 та квота ажратилди.

Жумладан, Фарғона тиббиёт институтига даволаш иши бўйича 2 та, тиббиёт профилактикасига 2 та, педиатрия йўналишида 1 та квота берилди. Андижон давлат тиббиёт институтига эса даволаш иши бўйича 13 та, тиббиёт профилактикаси йўналишида 1 та квота ажратилди.

Бу сўхликлар учун яхши янгилик, ёшларимиз учун хушхабар. Айниқса, тиббиёт йўналишида билим олишни истаган ёшларга катта имкониятдир. Эҳтиёжимизга қараб олийгоҳларда тиббиёт йўналишида квоталар ажратилиши яқин келажакда туманда кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш, чекка ҳудудлардаги тиббиёт бирлашмаларини ҳам олий маълумотли малакали шифокорлар билан тўлдириши билан алоҳида аҳамиятга эга, албатта.

МАКТАБ УЧУН ҚЎШИМЧА БИНО ҚУРИЛМОҚДА



Машъал ВАИСОВ,
халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

Мамлакат келажаги, барча соҳалар ва лойиҳалар муваффақияти билимли инсонларга боғлиқ. Шу боис охири йилларда таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчилар мавқеини юксалтириш бўйича кўп ишлар қилинди. Мамлакат том маънода янги даврга қадам қўймоқда. Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида тўртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган.

Ҳадемай, мамлакатимиздаги таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланади. Шу боис бугун

ҳудудларда янги ўқув йилини муносиб тарзда кутиб олиш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқувчилар учун муносиб шарт-шароит яратиш мақсадида мактабларимизда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Янги турдаги мактабларни барпо этиш, аввалгиларини босқичма-босқич замон талабларига мослаштириш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш кун тартибидаги масалалардан биридир.

Яқинда сайловчилар билан учрашувларнинг бирида туманимиздаги Мунис-Хоразмий маҳалласи фуқаролари маҳалладаги 19-сон умумий ўрта таълим мактабига қўшимча янги бинога эҳтиёж борлиги хусусида мурожаат қилишди. Маълум бўллишича, мактаб 2001 йили ишга туширилган ва 675 ўринга мўлжалланган. Лекин ҳозирги кунда бу ерда 1175 нафар ўқувчи таълим олади. Бу белгиланган ўқувчи сиғимидан деярли икки баравар кўплигини англатади.

Депутатлик ваколатимдан фойдаланиб, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориб, масалага ечим изладим. Энг муҳими, ҳаракатларимиз бесамар кетмади. Мактабни реконструкция қилиш ва қўшимча янги бино қуриш учун 9 миллиард 494 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ҳозирда қурилиш ва реконструкция ишлари қизгин давом этмоқда. Албатта, бу каби кенг миқёсдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари ёш авлоднинг талаб даражасида таълим-тарбия олиши учун қилинаётган ҳаракатдир. Ушбу жараён доимий назоратимизда. Келажак авлод учун замонавий мактаб бинолари барпо этилиши ва бунда талаб даражасида таълим-тарбия берилиши муҳимдир.

ТАЪМИРТАЛАБ ЙЎЛ БЎЙИЧА МАСЪУЛГА СЎРОВ ЮБОРИЛДИ



Бахтиёр ТОШЕВ,
халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари.

Халқимизнинг иқтисодий имконияти кенгайиб, фаровонлиги ортиб боргани сари узоғимизни яқин қиладиган транспорт воситалари сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб борапти. Йўл ҳаракати хавфсизлигини

таъминлаш бўйича шаҳар ва қишлоқларда янги йўллар, кўприклар қурилиб, таъмирталаб бўлган кўлаб йўллар реконструкция қилинмоқда.

Яширмаймиз, охириги беш-олти йил ичида йўллар текисланди, асфальтланди, манзилларга хотиржам ва хавфсиз етиб олишга ишончимиз ошди. Аммо шундай бўлса-да, йўллардаги айрим муаммолар ҳалигача аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Хабарингиз бор, Навоий вилоят Хатирчи тумани “Кўрғонча” маҳалласидаги “Тахтакўприк” ва “Сайдон” қишлоқларидан ўтган 4Р-231 (Д-210) йўлининг 4-8 километрлари оралиғидаги 2700 метр йўлга асфальт қопламалари ётқизилмаганлиги ижтимоий тармоқларда кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлиб келяпти.

Ўрганишлар натижасида маълум бўлдики, йўлнинг мазкур оралиғи бундан икки йил аввал бузилган, лекин ҳамон таъмирланмаган.

Шундан келиб чиқиб, йўлни асфальтлаштириш қачонга режалаштирилгани ва бу бўйича асослантирилган тушунтириш сўраб Навоий вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Пирназаровга депутатлик сўрови юборилди.

Ҳар бир қилинган ишнинг сифати, кафолати бўлиши керак. Кафолатсиз қилинган иш мана шундай нотўғри ҳулосаларга олиб келади. Унутмайликки, текис ва асфальт йўл ҳаракат хавфсизлиги учун ҳам керак.

Чунки йўллар раvon ва текис бўлса, кўзланган манзилга беҳавотир, кўнгили

хотиржам ҳолда етиб борамиз. Равон йўллардан юрган автоуловларнинг чидамлилиги ҳам ортиб, техник носозликларга учраш ҳолатлари, йўл транспорт ҳодисалари сони кескин камаяди.

Ҳозирча эса йўлни бузишга бузиб, уни тузатишга келганда пайсалга солиб юрган мутасаддилардан жавоб кутаяпмиз. Албатта, муаммо ижобий ечим топади, деган умиддамиз.

ҲАМКОРИМИЗ

"ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО" ЯРИМ ЙИЛДА ҚАНДАЙ НАТИЖАГА ЭРИШДИ?



Қайта тикланувчи энергия манбалари яратишни жадаллаштириш "яшил" иқтисодийётни ривожлантиришга, энергетика таъминотини яхшилашга хизмат қилади. Бу борада "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти томонидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Корхонанинг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти, эришилган ютуқлар ва келгусидаги устувор йўналишларга бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз борди.

– Жамиятимиз ташкил топган 2017 йилдан бүгунги кунга қадар амалга оширилган курилиш ҳамда модернизация лойиҳалари эвазига яратилган қўшимча 450 МВт қувватлар орқали электр энергияси ишлаб чиқариш суръати ошмоқда, – дейди "Ўзбекгидроэнерго" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Фаррух Нуриллаев. – Хусусан, 2025 йилнинг биринчи ярмида тасарруфимиздаги корхоналар томонидан 3,6 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа бажарилди. Бугунги кунда мамлакатимизда техник гидроэнергетика салоҳияти йилига 27,4 миллиард киловатт-соатни ташкил этмоқда. – Президентимиз томонидан 2024–2028 йилларда гидроэлектр станциялар қувватларини 6 минг мегаватт (2,7 баробар)га, ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 17–19 миллиард киловатт-соатга етказиш, бунинг учун соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш

вазифаси қўйилган эди, – дейди акциядорлик жамияти аппарати раҳбари Сухроб Ҳамроев. – Шу бўйича қатор лойиҳалар амалиётга жорий қилинмоқда. 2025 йил гидроэнергетика учун юксалиш даври бўляпти, деб бемалол айта оламиз. Боиси, бу йил давомида жамият томонидан 405 миллион долларлик, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 912 миллион киловатт-соатга тенг 32 та лойиҳа ишга туширилади. Тадбирда ўтган ярим йилда фойдаланишга топширилган янги гидроиншоотлар ҳақида маълумот берилди. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида қуввати 16 мегаватт, йиллик ўртача ишлаб чиқариш ҳажми 69,6 миллион киловатт-соатни ташкил этувчи "Зарчоб-3" кичик ГЭС ишга туширилди. Самарқанд вилоятидаги Айланма Дарғом каналида қуввати 1,5 мегаватт, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 7,3 миллион киловатт-соатга тенг бўлган микроГЭС-2 ва ГЭС-3 кичик станциялар фойдаланишга топширилди. Худди шундай, кам

сув ва паст босим шароитида самарали электр энергияси ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлган микроГЭСлар Жиззах сув омбори ҳудудида, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус ва Ҳўжайли туманларида ҳам барпо этилди. – Бундан ташқари, 2025–2026 йилларда Чорбоғ сув омбори юқори қисмида Хитой Халқ Республикасининг грант маблағи эвазига умумий қуввати 20 МВт, йиллик ишлаб чиқариши 50 млн кВт соатга тенг 4 та шомол станцияси қад ростлайди ҳамда аҳолини электр энергияси билан таъминлаш кўрсаткичи янада ошади, – дейди "Ўзбекгидроэнерго" АЖ бўлим бошлиғи Лазизхўжа Усмонов. – Натижада жамиятимиз таркибидаги умумий ГЭСлар сони 100 дан ошади. Мухандислик ишлари, транспорт-коммуникация ва

геостратегик жиҳатдан ноёб ҳисобланган гидроагрегатлар ишлаб чиқариш заводи – "UzHydroPower" қўшма корхонасининг ишга туширилиши нафақат юртимизда, балки минтақамиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Келгусида корхона фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга, илмий-ишлаб чиқариш базасини яратиш, хизмат кўрсатиш, сервис марказларини ташкил этиш, шунингдек, мамлакатимизда энергетик аҳамиятга эга бўлган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўзда тутилган. "Ўзбекгидроэнерго" АЖда ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияни кенг жалб қилиш мақсадида "Лойиҳалар фабрикаси" фаолияти йўлга қўйилгани яна бир аҳамиятли жиҳатдир. Бу ерда ҳозирга қадар умумий қуввати 3,2 гигаваттга тенг 50 га яқин лойиҳа устида ишлар олиб борилиб, келгусида гидроэнергетика қувватини амалга ошириш учун замин ҳозирланмоқда. Бугунги кунда "Лойиҳалар фабрикаси"да 9 та лойиҳа амалга ошириш учун тайёр ҳолатда бўлса, яна йигирмага яқин истиқболли лойиҳалар устида изланишлар давом этапти. Уларнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилиши яқин келажақда гидроэнергетика соҳасида ишлаб чиқариш салоҳиятини йилига қарийб 20 миллиард кВт соатга етказиш имконини беради.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози"
мухбири.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ДИВИДЕНДЛАР ВА ПУЛ МУКОФОТЛАРИДАН СОЛИҚ ОЛИНАДИМИ?

Тахририятимизга газетхонлар томонидан кўплаб саволлар келиб тушмоқда. Улар орасида солиқ соҳасига оид бўлгани нисбатан кўп. Қуйида саволларга Давлат солиқ кўмитаси катта инспектори Зокиржон УМАРҚУЛОВ жавоб беради.

САВОЛ: Фуқаролар акциялар бўйича оладиган дивидендларидан солиқ тўлашлари шартми? Шунингдек, ушбу дивидендлар учун белгиланган ставка жисмоний шахсларнинг умумий даромадларидан олинadиган 12 фоиз солиқ ставкасидан фарқ қиладими?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасида акциядорлик муносабатларини ривожлантириш, сармояларни жалб қилиш ва фонд бозори фаолиятини кенгайтириш мақсадида сўнгги йилларда қатор ҳуқуқий енгилликлар жорий этилмоқда. Шу жумладан, Солиқ кодексининг 483-моддасида акциядорлар учун алоҳида солиқ имтиёзи белгиланган.

Мазкур моддага асосан, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2028 йил 31 декабргача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар – резидентлар ёки норезидентлар томонидан акциялардан олинadиган дивидендлар жисмоний шахслар даромад солиғидан озод қилинади. Бошқача айтганда, акциядор сифатида акциядан даромад олган жисмоний шахс ушбу дивиденд учун давлатга даромад солиғи тўламайди.

Шу билан бирга, юридик шахслар – норезидентлар томонидан Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятлари акцияларидан олинadиган дивидендларга фойда солиғи ставкаси 5 фоиз этиб белгиланади. Бу халқаро амалиётда нисбатан имтиёзли ставка ҳисобланади.

САВОЛ: Олимпия ўйинларида ғолиб бўлган спортчиларга бериладиган пул мукофотларидан солиқ ушлаб қолинади?

ЖАВОБ: Солиқ кодексининг 378-моддаси 6-бандига мувофиқ, халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни


эгаллагани учун спортчилар томонидан олинган бир мартали пул мукофотидан даромад солиғи ушланмайди.

САВОЛ: Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахсларга бериладиган имтиёзлар ва пул тўловларидан ҳам солиқ олинади?

ЖАВОБ: Солиқ кодексининг 369-моддаси 1-бандида Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган солиқ тўловчи олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти, совғалар ва бюджет субсидиялари жами даромад таркибига киритилмаслиги ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғига тортилмаслиги белгиланган.

Тоштемир МУРОД
тайёрлади.

ҲИҚМАТЛИ ДУНЁ



Эй Навоий, ўйин кулги нақадар дилтортар бўлмасин, одоб ва ҳаё янада яхши, хушдир.

Бу дунёда абадий қолмоқ мумкин эмас, бироқ яхши ном қолдирмоқ катта саодатдир.

Очиқ чехра билан, миннатсиз қилинган яхшилик саховат устига саховатдир.

Йигитликда йиғ илмнинг махзани, қарилик чоғи сарф қилғил ани.

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни эшитурдин қайтма.

Кимки, ёлғон сўзни бировга тўнкагай, ўз қора юзини ёғга булайди. Озгина ёлғон ҳам улўғ гуноҳдир; озгина заҳар ҳам ҳалок қилувчидир.

Кишининг одоби унинг бойлигидан яхшидир.

Сени ёмонликка бошлаган киши душманингдир.

Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳати бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир.

Мулоим сўз – ваҳшийларни улфатга айлантиради, сеҳргар – оҳанг билан афсун ўқиб, илонни инидан чиқаради.



Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси партиямиз фаоли, Олий Мажлис Сенати аъзоси Комила Каромовага ўқаси
Зафар КАРОМОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:



ЎЗБЕКISTON
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Ovozi

ТАҲРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 837. 1620 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda